Ушбу сонда:

Куз-қиш мавсумига тайёрмисиз? 2 БЕТ

104 тоннадан ортиқ пахта топширилди

Россиялик шифокорлар вилоятимизда

Кўкрак нишони берилди 3 БЕТ

Газетага арзим бор

“Ёшлар уйи”дагилар нимадан норози?

Гугурт қадоқлаш йўлга қўйилди 4 БЕТ



# Фарғона ҳақиқати

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИНИНГ БОШ НАШРИ

Маъқул гапирсанг, ҳеч қачон кўп гапирмайсан.

Жан Реньяр.

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг

Газета 1917 йил 14 октябрдан чиқа бошлаган | farhaqiqat.uz | @farhaqiqati | 2020 йил 19 сентябрь, шанба № 72 (24461)

# “Роҳатой”да терим суръати баланд

**Жорий йилда пахта хом ашёси етиштирувчи фермер хўжаликлари учун барча шарт-шароитлар яратилганлиги, уруғлик чигит, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ўз вақтида дала бошига етказиб берилганлиги, сувдан оқилона фойдаланиш, деҳқону фермерларимизнинг фидокорона меҳнатлари эвазига далаларда мўл ҳосил тўплашга эришилди.**

Пахта-2020



Эндиги асосий мақсад — ҳалол меҳнат ҳамда катта харажат эвазига етиштирилган пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва сифатли йиғиб-териб олиш ишларини уюшқоқлик билан ташкил этишдан иборат.

Қува туманидаги ”Роҳатой” фермер хўжалигида йиғим-терим ишларига 120 нафардан ортиқ теримчилар жалб этилган. Биринчи теримнинг ўзида 18, 7 гектар ерда парваришланган “С 82-90” навли пахтадан 60 тоннадан зиёд ҳосил йиғиштириб олинди.

— Пахтачиликда кластер тизимининг жорий қилингани фермерлар манфаатдорлигини оширди, — дейди хўжалик раҳбари Турсунали Тешабоев. — Дастлабки ҳисоб-китобларимизга кўра, пахтачиликдан 500 миллион сўмдан ортиқ даромад оламиз. Далаларимизда ҳосил чўғи мўл. Мавсумда 90 тоннадан ортиқ пахта териб оламиз. Бу фермер хўжалигида қўшимча тармоқлар фаолиятини йўлга қўйиш, янги иш ўринлари яратиш имкониятини беради.



Пахтазорларда теримчи қизлар шижоат билан меҳнат қилмоқда. Пахта қабул пунктлари томон елиб бораётган карвонларнинг кети узилмайди. Барча яратувчилик ишқида меҳнат қилмоқда, юрт тинчлигига шукрона келтирмоқда.

— Халқимизнинг ризқ-насибаси терилаётган шундай кунларда уйда ўтириб бўладими, ахир, — дейди Ойсанам Умрзақова оппоқ, лўппи пахталарни қўлга олиб. — Ҳар куни 120-150 килограммга етказиб пахта теряпман.Терилган ҳар килограмм пахтага минг сўмдан пул оляпмиз. Бепул тушлик, транспорт ажратиб берилган. Терим илғорлари фермер хўжалиги томонидан ҳам алоҳида рағбатлантириб борилъяпти.

Пахта далаларида меҳнат завқи баланд. Чунки бугун умид билан ерга уруғ қадаган деҳқон ҳам, қалб амри билан далага чиқиб, етиштирилган ҳосилни йиғиштириб олишда иштирок этаётган теримчилар ҳам чаноқларда жамланган “оқ олтин” хирмонини юксалтириш мақсадида меҳнат қилмоқда.



**Расулжон КАМОЛОВ.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Видеоконференция



# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА МЕНИНГ ҲИССАМ

**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирокида “Ислоҳотлар ва юрт тараққиётига менинг ҳиссам” мавзусида видеоконференция ўтказилди.**



Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи совриндорлар ҳудудий студияларда жам бўлишди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари Гулнора Маъруфованинг “Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларда хотин-қизларнинг ўрни ва жамият ҳаётида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари фаоллигини оширишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги маърузаси тингланди.

Бугунги кунда республика бўйича жами 394 нафар (вилоятимиз бўйича 24 нафар) Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларини кадрлар захирасига тўлиқ қамраб олиш, фаолият самарадорлигини оширишга кўмаклашиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди, истиқболли таклифлар билдирилди.

**Дилнавоз ҚЎЛДОШЕВА.**

Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

## ҚАРОРИ

2020 йил 16 сентябрь | 35-сон | Фарғона шаҳри

## БЎШАБ ҚОЛГАН ЎРИНЛАРГА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ТАРКИБИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 21-, 25-моддаларига, шунингдек, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари тавсиясига мувофиқ, халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгаши депутати сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиялари қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

**Фарғона шаҳри**

| | | |
|---|---|---|
| | **1-ЖОМИЙ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ** (Тиббиёт коллежи биноси, Фарғона шаҳар, Лутфий кўчаси, 22-уй. Тел: 0 (373) 225-29-00) | |
| | **Раиси** | |
| 1. | **Мамажонова** Донохон Турсунбоевна | Фарғона шаҳар, “Гулистон” МФЙ раиси |
| | **Раис ўринбосари** | |
| 2. | **Юлдашев** Абдумуталиб Хожиматович | Фарғона шаҳар, “Тинчлик” МФЙ раиси |
| | **Котиби** | |
| 3. | **Қодиров** Меҳмонали Муҳаммадалиевич | Вақтинча ишсиз |
| | **Аъзолари** | |
| 4. | **Абдурахмонов** Дурбек Абдумаликович | Фарғона шаҳар 22-ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 5. | **Эгамбердиев** Имомали Илхомжон ўғли | Фарғона шаҳар 26-ўрта таълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчиси |
| 6. | **Пўлатова** Ниҳола Хасановна | Фарғона шаҳар 27-ўрта таълим мактаби маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 7. | **Мирахмедова** Наргиза Тўхтасиновна | Фарғона шаҳар, “Ш.Рашидов” МФЙ оила ва хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича раис ўринбосари |
| 8. | **Умарова** Шахноза Исақовна | Фарғона шаҳар 26-ўрта таълим мактаби ўқитувчиси |
| 9. | **Юлдашев** Шерзод Равшанович | Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси маънавий-ахлоқий тарбия ва мактабдан ташқари таълим ташкил этиш бўлими етакчи мутахассиси |

**Ёзёвон тумани**

| | | |
|---|---|---|
| | **30-ХОНОБОД ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ** (38-ўрта таълим мактаби биноси, Ёзёвон тумани, Тафаккур кўчаси, 72-уй). Тел (91) 663-74-65 | |
| | **Раиси** | |
| 1. | **Эралиев** Ахмадилло Хайруллаевич | Ёзёвон тумани 29-ўрта таълим мактаби директори |
| | **Раис ўринбосари** | |
| 2. | **Собиров** Сайбурхон Ёрқинжонович | Ёзёвон тумани 32-ўрта таълим мактаби директор ўринбосари |
| | **Котиби** | |
| 3. | **Ахмадалиева** Шафоат Шерматовна | Ёзёвон тумани 29-ўрта таълим мактабининг ўқув ишлар бўйича директор ўринбосари |
| | **Аъзолари** | |
| 4. | **Холматов** Обобакир Ахмаджонович | Ёзёвон тумани Ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи |
| 5. | **Дадажонова** Ханифа Аъзамжоновна | Ёзёвон тумани 38-ўрта таълим мактаби кимё фани ўқитувчиси |
| 6. | **Ўрмонов** Оллоберди Аъзамович | Ёзёвон тумани 12-ўрта таълим мактаби директори |
| 7. | **Мамасиддиқов** Мухаммаджон Юсуфжонович | Ёзёвон тумани 23-ўрта таълим мактаби директори |
| 8. | **Раҳмонова** Аломатхон Низомиддиновна | Ёзёвон тумани 29- ўрта таълим мактаби психологи |
| 9. | **Шарофбоева** Султонпошшо Эгамбердиевна | Ёзёвон тумани 29-ўрта таълим мактаби ўқитувчиси |

**Қўштепа тумани**

| | | |
|---|---|---|
| | **40-ПАХТАКОР ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ** (“Файз” МФЙ биноси, Қўштепа тумани, «Файз» МФЙ, Ободлик кўчаси, 280-уй) | |
| | **Раиси** | |
| 1. | **Ахмаджонов** Тўйчибой Алимович | Қўштепа тумани 48-ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| | **Раис ўринбосари** | |
| 2. | **Хайдаров** Абдулбоқи Хакимович | Қўштепа тумани, “Файз” МФЙ раиси |
| | **Котиби** | |
| 3. | **Ниёзова** Машхура Жураевна | Қўштепа тумани 19-ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлари бўйича директор ўринбосари |
| | **Аъзолари** | |
| 4. | **Юсупов** Алибек Акрамжонович | Қўштепа тумани электр таъминоти корхонаси раҳбари |
| 5. | **Ризаева** Гавхарой Абдуғаниевна | Қўштепа тумани 5-мактабгача таълим ташкилоти раҳбари |
| 6. | **Ахмадалиев** Икромжон Рахмонович | Қўштепа тумани 38-ўрта таълим мактабининг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари |
| 7. | **Икромов** Эъзозбек Бахтиёр ўғли | Қўштепа тумани 87-сонли қишлоқ оилавий поликлиника мудири |
| 8. | **Мирзаматов** Омонжон Алижонович | Қўштепа тумани мактабгача таълим бўлими услубчиси |
| 9. | **Тешабоева** Нодирахон Абдужабборовна | Қўштепа тумани «Шакар» маҳалла фуқаролар йиғини раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари |

2. Округ сайлов комиссиялари таркиби, жойлашган манзили ва уларнинг телефон рақамлари кўрсатилган маълумотлар маҳаллий матбуотда эълон қилинсин.

**Фарғона вилоят сайлов комиссияси раиси** **Э.НУРАЛИЕВ.**

# Куз-қиш мавсумига тайёрмисиз?



# Суюлтирилган газ етказиб бериш ҳажми 48 фоизга кўпаяди




**Энергетика вазирлигининг махсус штаби Фарғона вилоятида куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолатини ўрганди. Аҳолида мавсумда табиий ва суюлтирилган газ таъминоти борасида кўп эътирозлар кузатилади. Хўш, жорий йилда мазкур муаммолар ўз ечимини топадими?**

Ишчи гуруҳ истеъмолчиларга етказиб берилаётган табиий ва суюлтирилган газ таъминоти ҳолати билан танишди. Бу йилги куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди.

– Суюлтирилган газ истеъмолчиларига газ баллонларини ўз вақтида ва сифатли етказиб бериш лозим. Бу борада газ баллон ускуналарини маҳаллийлаштириш ишларини бошлаш керак. Бунинг натижасида газ баллон захираларини янада кўпайтиришга, бу эса истеъмолчиларга газ баллонларини ўз вақтида ҳамда узлуксиз етказиб берилишига хизмат қилади, – деди Энергетика вазири, штаб бошлиғи Алишер Султонов.

**Вилоят истеъмолчиларига 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумида ЖАМИ**

**1717,2**
**миллион куб метр** табиий газ етказиб берилади. Бу ўтган мавсумга нисбатан

**241,5**
**миллион куб метрга** ёки 16,4 фоизга кўп.

Фарғонада табиий газ истеъмолчилари сони 320 минг 362 та бўлиб, шундан 3 минг 571 та юридик ва 316 минг 791 та жисмоний истеъмолчи (хонадон) мавжуд.

Вилоятда истеъмолчиларни табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлаш учун узунлиги 7 135,2 километр бўлган газ қувурлари ва 8 367 та газ тақсимлаш пунктларидан фойдаланилади. Истеъмолчиларга янада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида вилоятда жорий йилнинг 1 октябридан бошлаб 20 та махсус техника ва 80 нафар ходимлардан иборат 20 та бригада фаолият юрита бошлайди.

Шунингдек, вилоят истеъмолчиларига 2020-2021 йиллар куз-қиш мавсумида жами 54 минг 751 тонна суюлтирилган газ етказиб бериш режалаштирилган. Бу ўтган мавсумга нисбатан 17 минг 894,5 тоннага ёки 48,6 фоизга кўп. Истеъмолчиларга 21 та вагон цистерна, 18 та авто цистерна ва 93 та ISUZU русумли махсус автотранспортларда суюлтирилган газ етказиб берилмоқда.

# Электр энергиясида узилиш бўлмайди

**«Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамиятига қарашли темир-бетон таянчлар ишлаб чиқариш цехида паст кучланишли электр тармоқларини янгидан қуриш, модернизация ва реконструкция қилиш ишларини жадаллаштириш ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг таннархини пасайтириш мақсадида ишлаб чиқариш цехлари фаолияти йўлга қўйилган.**

Мазкур цехда 18 та қўшимча иш ўрни яратилган бўлиб, бугунги кунда кунига 30 дона темир-бетон таянчлар ишлаб чиқарилмоқда. Цехнинг ойлик ишлаб чиқариш қуввати 840 дона, йиллик ишлаб чиқариш қуввати эса 10 минг 80 донани ташкил этади.

Шунингдек, қўшимча равишда цехнинг иккинчи навбатини ишга тушириш кўзда тутилган. Ҳозирда қурилиш ишлари бажарилмоқда. Қўшимча цех фаолияти йўлга қўйилгач, яна 10 нафар янги иш ўрни яратилиб, ишлаб чиқариш қувватлари икки барobarга ортади ҳамда корхонанинг темир-бетон таянчларга бўлган йиллик эҳтиёжи қарийб 100 фоизга қопланади.

"Фарғона ҲЭТК" акциядорлик жамиятида темир-бетон таянчлар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши билан таянчларни ўзаро маҳкамлаш ва уларга симларни осиш учун зарур бўладиган ҳар хил турдаги металл конструкциялар ишлаб чиқариш зарурати юзага келди. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, жамият қошида металл конструкциялар ишлаб чиқариш цехи фаолияти ҳам ташкил этилди. Бунинг учун керакли асбоб-ускуна ва токарлик дастгоҳлари ўрнатилиб, зарур хом ашё сотиб олинди.

СИП арматуралари ишлаб чиқариш цехига полимерларни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий 290 ва 120 тонналик гидравлик босим билан ишловчи термопласт автоматлар, хом ашёни қуритиб дастгоҳга етказиб берувчи ускуна (сушилка), 7 хил турдаги темир қолип, маҳсулотлар қолдиғини қайта ишлаш учун дробилка ва бошқа зарур ускуналар келтириб ўрнатилгач, цех тўла қувват билан ишлай бошлади.

Ҳозирги кунда ишлаб чиқариш цехида 6 хил турда



СИП арматуралари ишлаб чиқарилмоқда. Цех фаолиятини янада кенгайтириш ва маҳсулотнинг қолган турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича ишлар давом этмоқда.

Белгиланган дастурлар ижросини таъминлашда лойиҳа-смета ҳужжатларининг ўз вақтида бажарилишига эришиш, лойиҳа-смета ҳужжатлари учун сарфланаётган харажатлар миқдорини қисқартириш орқали корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсадда "Фарғона ҲЭТК" акциядорлик жамияти таркибида 10 кишидан иборат лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўлими ташкил этилган бўлиб, ҳозирда ўз фаолиятини юқоридаги вазифалар ижросига қаратган.

Соҳада амалга оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар пировардида истеъмолчиларга сифатли ва барқарор электр энергияси етказиб бериш ҳамда мавжуд электр узатиш тармоқларини янгилашга қаратилган.

**М.СУЛАЙМОНОВ.**

**Фарғона туманидаги Қўрғонтепа қишлоқ врачлик пунктининг бугунги абгор ҳолати шифо маскани нафақат қиш мавсумига тайёр эмаслиги, пандемия шароитида оддий санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслигидан далолат.**

# ЖИДДИЙ «МУОЛАЖА»ГА МУҲТОЖ ҚВП...





Бир сўз билан айтганда, ҳозирги кунда ҚВП жиддий "муолажа" – таъмирга муҳтож.

Айни пайтда ҳудуддаги 10 мингдан зиёд аҳолига хизмат кўрсатувчи поликлиникада 5 нафар умумий амалиёт шифокори, 18 нафар патронаж ҳамширалари ночор шароитда ишлаяпти. Поликлиникага кираверишда карантин талаблари асосида ҳароратни ўлчаш, антисептик воситалардан фойдаланиш ишлари етарли даражада йўлга қўйилмаган.

ҚВПда ташкил этилган ижтимоий дорихонада ҳароратни туширувчи, шамоллашга қарши энг керакли дори-дармонлар етишмайди. Дорихона сотувчиси Фотима Отахонова 16 сентябрь кунги тушликкача амалга оширган савдо фаолиятини назорат касса машинаси орқали ҳам, терминал ёрдамида ҳам кирим қилмаган... Дорихона учун 12 млн. сўм ойлик нақд пул тушуми режаси белгиланган бўлиб, ўтган ойда атиги 8 млн. сўм пул топширилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарлик жараёни ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Лаборатория жиҳозлари эскирган, тиббий муолажа хоналарда ойналар йўқ. Беморлар узоқ вақт навбат кутишга мажбур, ижтимоий масофа сақлаш учун шароит яратилмаган.

Поликлиниканинг ҳовли қисмига кириш учун дарвоза ўрнатилмагани учун истаган одам кириб-чиқавериши мумкин. Учта қозонхонанинг ҳам эшиклари йўқ, ҳовлида яроқсиз ҳолга келган эски қозонхоналар ҳам "савлат" тўкиб турибди. Кўмир омбори керакли ҳимоя воситалари билан таъминланмаган.

**— Қиш мавсуми учун 27 тонна кўмир зарурлиги ҳисоб-китоб қилинган. Ҳозирги кунга қадар 13,5 тонна кўмир жамғаришга муваффақ бўлдик,** — дейди ҚВП мудири Ҳамиджон Қодиржонов.

**— Мавсум тайёргарлиги билан боғлиқ муаммоларни яқин вақт ичида бартараф этиш чораларини кўряпмиз. Яқин кунларда кўмирнинг қолган қисми ҳам олиб келинади. Хоналар таъмири учун бўёқлар, ойналарни олиб келиб қўйдим.**

ҚВПда тез ёрдам бригадаси ҳам бор. Мобиль гуруҳ ҳар куни ҳудуд аҳолисидан ўртача 25-30 та, баъзан 60 тагача қўнғироқларни қабул қилади. Тез ёрдам



бригадасига 1 та "Дамас" автомашинаси ажратилган бўлиб, 5-7 км олисда жойлашган маҳаллаларга 15-20 дақиқада етиб бориш мумкин. Поликлиникада биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган хона қўлбола усулда жиҳозланган. Нажот излаб келган бемор ва унинг яқинлари ёрдам кутиб, сарсон-саргардон бўлади.

Умумий амалиёт шифокори Матлуба Расулованинг қайд этишича, эски бинода қиш мавсумида ишлаш жуда ҳам азоб. Хоналар совуқлиги учун қиш ойларида қўлбола иситиш печларидан фойдаланишга мажбур бўлишади. Алмисоқдан қолган тиббий асбоб-ускуналардан фойдаланиш, шароит оддий санитария-гигиена қоидаларига жавоб бермаслиги шифокорлар фаолиятини янада қийинлаштирмоқда.

ҚВП мудири бино 2021 йили капитал таъмирдан чиқарилиши режалаштирилаётганини таъкидлади. Хўш, поликлиника жамоаси жорий йилги қиш мавсумини қандай ўтказади?

Биз Фарғона туман тиббиёт бирлашмаси мутасаддилари ҳамда туман тўртинчи сектор раҳбари – давлат солиқ инспекцияси раҳбаридан мазкур саволга аниқ жавоб кутамиз.

**Ботир МАДИЁРОВ.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** Газета саҳифаланаётганда Қўрғонтепа ҚВП мудири Ҳамиджон Қодиржонов биз билан боғланиб, синган ойналар янгисига алмаштирилгани, хоналарни таъмирлашга киришилганини маълум қилди. Ишонамизки, ҚВПни қиш мавсумига тайёрлаш борасида белгиланган ишлар яқин кунларда тўлиқ бажарилади ва камчиликлар бартараф этилади.

# Вақт кутиб турмайди

Алишер Навоий мавзесида жойлашган кўпқаватли уйларда яшовчи аҳолига марказлашган иссиқ сув, иссиқлик етказиб бериш ҳануз муаммолигича қолмоқда. Қишли-қировли кунларда уй-жойларни иситиш истагида бўлган фуқаролар уйдаги газ плиталари ёки электр иситиш мосламаларидан фойдаланиб келади. Айримлар эса мустақил иситиш қурилмалари қуриб олган ҳолда "жон сақлайди". Бу эса, айни куз-қиш мавсумида табиий газ ва электр таъминотида етишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

## Қоғозда қолаётган гаплар

Куз-қиш мавсумига ҳозирлик борасида жуда кўп гапирилади, қарорлар қабул қилинади, масъуллар тайинланиб, маблағлар ажратилади. Лекин аҳолини қийнаётган масалалар кундан кунга кўпайиб бораверади. Уйлар томи ва иссиқлик қувурларини таъмирлаш, кириш йўлакларини созлаш, синган ойналарни алмаштириш кун тартибига чиқади. Қизиқ жиҳати, бу ишлар айни куз-қиш мавсумида ҳамма жойда бирдек муаммо бўлиб қолади. Долзарб масалалар Фарғона шаҳрида қандай ҳал этилмоқда? Аҳолининг бу борадаги талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қандай чора-тадбирлар белгиланган?

— Жорий мавсумда 95 та кўп қаватли уй-жойларни таъмирлаш учун тижорат банклари томонидан 1 миллиард 650 миллион сўм имтиёзли кредит маблағлари жалб этилади, — дейди Фарғона шаҳар ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Дилмурод Бекмирзаев. — Ҳозирга қадар 19 та кўп қаватли уйнинг том қисми жорий ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Кириш йўлакларини мавсумга ҳозирлаш, темир эшиклар ўрнатиш борасида белгиланган вазифалар ижроси босқичма-босқич ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, 30 та кўп қаватли уйнинг электр тақсимлаш шитлари, 1470 погонометр иссиқлик тик қувурларини созлаш, фрамугаларига пластик ромлар ўрнатиш ишлари олиб бориляпти.

Иқтисодиёт тармоқлари, кўп қаватли уй-жой фонди ва ижтимоий соҳа объектларини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ишларнинг айримлари фақат қоғозларда қолмоқда. Хусусан, уй олди қисмини бетон қопламалар билан қоплаш, кичик йўл ва йўлаклар, болалар майдончалари қуриш, ирригация тармоқларини таъмирлаш ишлари ҳали бошлангани йўқ. Мутасаддилар белгиланган ишларни поёнига етказиш учун ҳали вақт борлигини айтишмоқда.





## Муаммонинг ечими бор

— Президентимизнинг "2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида" ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий мавзесидаги марказий иссиқлик тизимига уланмаган 234 та кўп қаватли уйларда алоҳида иссиқлик тежовчи локал қозонхоналар ўрнатиш юзасидан таклиф ва лойиҳалар ишлаб чиқилган, — дейди Фарғона вилоят "Иссиқлик манбаи" корхонаси назорат бўлими бошлиғи Абдулазиз Қўлдошев. — Аммо лойиҳалар ҳали молиялаштирилгани йўқ. Бу кўп қаватли уйларни иссиқлик ва иссиқ сув билан таъминлашда ўзига хос муаммолар келтириб чиқишига сабаб бўлиб қолмоқда.

## Лифт — ҳамон оғриқли масала



Фарғона шаҳрида 76 та кўп қаватли уй-жойда яшовчи аҳоли литфдан фойдаланиб келишади. Бугунга келиб эскирган 20 дан ортиқ лифтларни таъмирлаш билан боғлиқ ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ "Водий Нодирабегим" хусусий уй-жой ширкатига қарашли учта кўп қаватли уйларда лифт ишламайди.

— Ҳудудимиздаги Янги аср кўчасидаги 76-, 78-, 80-кўп қаватли уйлардаги лифтлар қачон ишлаганини эслай олмайман, — дейди "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раънохон Аҳмаджонова. — Литфларнинг доимий ишлаб туриши кўп қаватли хонадонларда яшовчи аҳолининг ҳамжиҳатлигига ҳам боғлиқ. Чунки уларни таъмирлаш, назорат қилиш учун маълум миқдорда пул тўлаш талаб этилади. Лекин ҳамма ҳам "беминнат" дастёрнинг хизматидан фойдаланишни хоҳламайди. Қолаверса, лифтларнинг мунтазам ишлашини таъминлаш учун эҳтиёт қисмлар ва мутахассислар етишмайди.

Қишнинг ҳар бир куни, ҳар дақиқаси синов. Бу фаслни беталафот ўтказиш эса мавсумга тайёргарлик кўриш борасида белгиланган чора-тадбирларнинг амалий ижросига боғлиқ.

**Расулжон КАМОЛОВ.**

Хушхабар

## 104 тоннадан ортиқ пахта топширилди



**Тошлоқ туманидаги "Комилжон ота зиё" фермер хўжалиги аъзолари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда яхши натижаларга эришмоқдалар.**

Ўтган йили 102 тонна ўрнига 120 тоннадан ортиқ пахта топшириб, режани анча ошириб бажарганмиз. Бу йил ҳам катта мақсадларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз- дейди Шукрилло Миллабоев.

Фермер хўжалиги аъзолари Дилдора Машарипова, Раъно Умрзоқова, Обида Ортиқова ҳамда Манзура Мўминова каби илғорларнинг ғайрат-шижоати ҳаммага ибрат бўлмоқда.

— Жамоамизда 46 нафар ишчи ва хизматчи бор, — дейди теримчи Дилдора Машарипова. — Улар учун ҳар жиҳатдан қулай шароит яратиб берилган. Илғорлар ўз вақтида рағбатлантирилиб борилпти. Ҳар куни 150-200 килограммдан пахта териб, «оқ олтин» хирмонини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшмоқдамиз. Терим пулларининг нақд берилаётгани рўзғоримизга барака киритмоқда.

Хўжалик пахтакорлари қабул пунктларига 104 тоннадан ортиқ ҳосил топшириб, режани ортиғи билан бажаришди.

**Дониёр ЭРГАШЕВ.**

Ҳамкорлик

# Россиялик шифокорлар вилоятимизда

**Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг таклифи билан коронавирусга қарши курашда ҳамкорликда ишлаш учун юртимизга ташриф буюрган россиялик шифокорларнинг бир гуруҳи Фарғона вилоятида ҳам бўлди.**

Вилоятимизда "COVID-19"га қарши кураш ишлари тизимли равишда олиб борилмоқда. Пандемиянинг дастлабки кунлариданоқ, тиббиёт масканлари, лабораторияларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, беморлар ва карантин муддати учун махсус жойлар тайёрланди, дори-дармон захираси яратилди. Қисқа муддатларда 500 дона кислород концентратори олиб келиниб, тиббиёт муассасаларига тақсимланди. Ҳозирда эса "Қўқон" эркин иқтисодий зонасида хавфли коронавирус ва пневмония касалликларини даволашда муҳим бўлган кислород концентраторини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бундай саъй-ҳаракатлар беморларнинг тез орада тузалиб, оиласи бағрига қайтишига катта ёрдам беради.

Россиялик шифокорлар ташриф давомида Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиали, вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази, 2-сонли вилоят юқумли касалликлар шифохонаси, Қўқон, Қувасой шаҳарлари, Данғара, Бувайда, Учкўприк, Ўзбекистон туманларида бўлиб, жойлардаги даволаш-профилактика муассасаларида коронавирус инфекциясига қарши амалга оширилаётган чора-тадбирлар, мавжуд шарт-шароитлар, беморларни қабул қилиш тизими, даволаш стандартлари, аптека, рентген, лабораториялар фаолияти билан яқиндан танишдилар. Турли хасталиклар билан даво муолажалари олаётган беморларнинг ҳолати юзасидан фарғоналик врачлар билан ҳамкорликда кўрик ва маслаҳатлашувлар ўтказишди.

Шунингдек, пневмония касаллиги билан даволанаётган 20 нафарга яқин беморларда касалликнинг кечиш жараёнини ўрганиб, даволаш юзасидан маслаҳат ва тавсиялар беришди.

— Россиялик мутахассислар мендаги касаллик белгилари, ташхис бўйича текширувлар, муолажа стандарти ва ҳозирги умумий ҳолатимни кўздан кечириб, маҳаллий шифокорларнинг даволаш усулларини юқори баҳолашди, — дейди Ўзбекистон тумани тиббиёт бирлашмаси шифохонасида даволанаётган пенсионер Э.Б.

**COVID-19**

Қўқон шаҳар тиббиёт бирлашмаси шифохонасида даволанаётган 1959 йилда туғилган бемор М.М. ҳам қўйилган ташхис россиялик шифокорлар томонидан тўғри баҳолanganини мамнуният билан эътироф этди.

Маҳаллий ва россиялик шифокорлар иштирокида ташкилланган амалий семинарда коронавирус ва пандемияга қарши курашда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсияси ҳамда касаллик нисбатан енгил ўтган хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида фикрлар, таклифлар билдирилди, ўзаро ҳамкорлик бўйича келишиб олинди.

**Фарғона вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси ахборот хизмати.**

# Кўкрак нишони берилди



Президентимизнинг жорий йил 26 августдаги «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, коронавирус пандемиясига қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жамоат тартибини сақлашда мардлик ва жасорат кўрсатган ички ишлар органларининг 49 нафар ходимлари мазкур кўкрак нишони билан тақдирланди.

Касбига садоқатли, фидойи инсонларнинг меҳнати эътибордан четда қолмайди. Мукофотланганлар ўз хизмат фаолиятлари давомида давлатимиз раҳбари билдирган юксак ишончни оқлаб, бор куч ва имкониятларини ишга солиб, Ватанга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бердилар.

**Ўз мухбиримиз.**

Юртимизда пишиқчилик мавсуми

# Ўзинг эксанг, бозорга эланмайсан

**Мезон ҳавосини шимиб, ҳосили ғарқ пишган далаларга боқаману, онамнинг дармоншўрваси ёдимга тушади. Ялангоёқ чопиб юрган кезларимиз... Ўшанда бобом юзимга термулиб:**

**— Сершолғом қилиб суюқ пиширгин, келин. Болаларнинг ранги синиққандек, — деб онамни койирдилар.**

**Оғрисак ҳам волидамнинг сабзи-ю шолғомлари эзилиб пишган дармоншўрваси билан чопиб кетардик.**

Азалдан юртимизда етиштирилган полиз маҳсулотлари бебаҳо истеъмол хусусияти, яъни таркибида табиий шакар, органик моддалар, аминокислоталар, саломатлик учун муҳим бўлган микроэлементлар ва озиқ-овқат рационида ўрнини алмаштириб бўлмайдиган турли биологик моддаларга бойлиги билан машҳур. Кўп сонли юртдошларимизнинг хонадонига киришингиз билан баравж ривожланаётган полиз экинлари дилингизни яйратади. Ўз қўлинг билан етиштириб, қозонга солганнинг маззаси бошқа бўлади-да. "Ўзинг эксанг, бозорга эланмайсан" дейдиган улуғларимизнинг кафтдек жойни ҳам ҳассаси билан туртиб, уруғ қадашлари бежиз эмас.

Юртимизда пишиқчилик мавсуми. Қиш ғамини ёзда ейдиган халқимизнинг пешона теридан хирмонлар уйилмоқда. Бу йил вилоятимизда 171 минг тонна полиз маҳсулотлари йиғиб олиш режалаштирилган бўлиб, бу ўтган йилга нисбатан 251 фоиз, сабзавотлар эса 1 млн. 668 минг тоннага етказилиши кўзланиб, аввалги кўрсаткичлардан 116 фоиз юқори суръатга олиб чиқиш кўзда тутилган.

Қолаверса, резавор сабзавот ҳамда мевалар йил бўйи дастурхонимизни тўлдириши учун деҳқон ва тадбиркорларимизнинг саъй-ҳаракати билан сиғими 129 минг 680 тонналик 239 та музлаткичли омборхоналар фаолият кўрсатмоқда.

Олтиариқ туманидаги полиз экинларига ихтисослашган "Зиё-саноатфайз" фермер хўжалиги дала майдонларида ҳам сабзи, турп, шолғом каби полиз экинлари айни тобига келган палла. Ҳали пайкалга етмасингиздан ҳилпираб турган япроқлар орасидан тилларанг сабзилар мўралайди.

— Сабзи минг дардга даво, — дея сўз қотди деҳқончиликнинг ҳадисини олган фермер хўжалиги раҳбари Санъатилло Ҳайдаров. — Қадимдан у юрак, қон-томир, жигар касалликлари ва йўталнинг давоси. Айниқса, камқонлик, меъда-ичак йўллари, ёғ босган организм, буйрак касалликларига қарши курашда сабзига етадигани йўқ.

— Турп ҳам сабзидан қолишмайди, — дея суҳбатга қўшилди фермер хўжалиги аъзоси Ғанишер ота Ҳайдаров. — Турпнинг суви қадимдан ичак фаолиятини яхшилаш, соч толаларини мустаҳкамлашда қўлланиб келинган. Сизга айтсам, турп атеросклероз шишларда, пешоб-таносил аъзоларини даволашда жуда яхши ёрдам беради. Эсимизни танибмизки, онам раҳматли йиқилиб, яра бўлган оёғимга турп билан асал аралашмасини суртиб, боғлаб қўярди. Қайнатиб пиширилган турп билан йўтални қувганмиз. У шамоллашга қарши, балғам кўчирувчи, томоқ ва ўпка касалликларида ҳам кони фойда, қизим. Бултур ўт пуфагим яллиғланиб ётиб қолдим. Шифокорнинг дорилари билан бирга турп сувини узмадим. Мана ҳозир оғриқлардан асар йўқ.

Гап орасида икки юзи нур тараб турган ота серсув турпнинг бир бўлагини кесиб менга узатди. Олтиариқнинг миришкор деҳқонлари шунақа, қойил қолмагунингча қўймайди. Шунинг учун ҳам ўтган йили туманда 151 минг 521 тонна сабзавот етиштирилган бўлса, бу йилда кўрсаткичлар янада юксалиб, сархил маҳсулотлар ички ва ташқи бозорларга йўналтирилади.

Ер тилшуносларининг айтишича, айни пайт сабзавотларнинг сифатига салбий таъсир кўрсатадиган касалликлар хуруж қилган пайт.

— Уларнинг ичида айниқса қора ширадан беори йўқ, — дейди қувалик фермер Воҳиджон Қурбонов. — Тўрт гектарга яқин майдонга лавлаги уруғини сепганман. Ҳосилни уяман, деганингда полиз кушандаларининг "савдоси қизийди". Айни пайтда унга қарши "эртмак", " донус" каби дорилар билан курашяпмиз. Табиат сахий келса, деҳқоннинг толеи кулгани шу. Шукурки, бу йил она табиат биз каби деҳқонларга бағрикенглик қилди. Қолаверса, бугунги синовли кунларда бир қарич ердан бир этак ҳосил кўтариш ҳар қачонгидан муҳим.

Тирикликнинг ўзи мўъжиза. Ана шу мўъжиза замирида она еримиз ва офтобнинг қувватини жамлаган мева ҳамда сабзавотларнинг ўрни беқиёс.

Карсиллатиб сабзи еяётган ўғлимга қараб завқим ошади. Дарров икки донасини қирғичдан ўтказиб, отамга узатаман. Хаёлимни тўрт сотихгина ерига булғор қалампири қадаган қўшнимнинг уйидан келаётган кетмоннинг овози сергак тортиради.

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**



Анорчилик

# Фарғона анорлари – ЭКСПОРТГА

**Бу борада Жанубий Корея, Хитой, Россия, Украина, Бирлашган Араб Амирлиги, Қозоғистон, Қирғизистон билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Шу кунга қадар Фарғона боғларида пишиб етилган 3 минг тоннадан ортиқ анор экспортга жўнатилди.**

Фарғоналиклар зироатчиликда бой тажрибага эга. Айниқса, қирмизи анор етиштиришнинг ҳадисини олган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Марғилон ҳақида сўз юритганда қуйидагича таъриф берган: "... пур неъмат; анори ва ўругу асру кўп хўб бўлур. Бир жинс анор бўлур, "дона калон" дерлар, чучуклигида зардолу майхушлиғидин андак чошни бор. Самнон анорларига таржеҳ қилса бўлур ...".

Қадимдан анорчилик улкан даромад манбаи, камёб ва шифобахш неъмат сифатида баҳоланган. Замонавий тиббиёт, халқ табобатида жуда фойдали хусусиятлари билан ажралиб туради. Жаҳон бозорида ушбу маҳсулотга бўлган талаб ва таклиф юқори. Шу боис анорзорларни кенгайтириш, серҳосил, эртапишар навлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кунга қадар Риштон ва Олтиариқ туманларида 1400 гектар янги анорзорлар ташкил этилди. 2025 йилга бориб вилоятдаги анор майдонлари 20 минг гектарни ташкил қилади ва йилига 200 минг тоннадан ортиқ анор етиштирилади. Бу мавсум давомида 120 минг тоннадан ортиқ анор экспортини амалга ошириш имкониятини беради.

— Жорий йилнинг ўзида агрофирма ташаббуси билан Қува туманида 950 гектар янги анорзорлар барпо этилди, — дейди "Қува анори" агрофирма раҳбари Мастурахон Сайфутдинова. — Бу анор етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш, экспортга йўналтириш, экотуризмни йўлга қўйишда муҳим аҳамиятга эга. Ана шу мақсадда агрофирма қошидаги анорчилик мактаби, ўсимликлар генетикаси институти билан ҳамкорликда она кўчатлар етиштириш ишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Бу усул ишончли навлар яратиш, ҳосилдорликни ошириш, маҳсулот сифатини яхшилашда қўл келади.

Анор серсув экинлар турига киради. Сув тақчил бўлиб бораётган бугунги кунда суғоришнинг муқобил усулларидан фойдаланиш талаб этилади. Шу мақсадда 25 гектар майдонда томчилатиб, 5 гектарда ёмғирлатиб суғориш технологияси амалда татбиқ этилди. Бу сувни тежаш, маҳсулот етиштириш билан боғлиқ харажатлар миқдорини иқтисод қилишга ёрдам беради.

— Ҳозирги кунда икки гектардаги анорзоримиздан яхши ҳосил олиб, Россияга экспорт қиляпмиз, — дейди Қува туманидаги "Роҳатой" фермер хўжалиги раҳбари Турсунали Тешабоев. — Айни кунда анорзор боғларни кенгайтириш мақсадида 15 гектар янги боғ барпо этдик. Натижада анор етиштириш ҳажми ошди, қўшимча иш ўринлари яратилди.

Уфққа туташган далалар бўйлаб ястаниб ётган анорзорларда маржондек тобланиб, кўзни қамаштираётган қирмизи анор мевалари ҳосил мўллигидан дарак бериб турибди. Боғбонлар эса уларни саралаб, узоқ ва яқин мамлакатларга экспорт қилиш ҳозирлигини кўрмоқда.

**Расулжон КАМОЛОВ.**

Сўх туманидан хабарлар

## ТАДБИРКОРЛАРГА ИМТИЁЗЛИ ИМКОНИЯТЛАР

**Айни кунларда Сўх туманида тадбиркорлик, ишлаб чиқариш тармоқлари фаолиятини кенгайтириш ва шу орқали янги иш ўринлари яратиш устувор вазифа сифатида белгиланган.**

Шу мақсадда жорий йил 16 июнь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари вилоят ва Сўх туман Кенгаши сессияси қарори асосида қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган захира ер майдонлари ўз бизнесини йўлга қўйиш учун тадбиркорларга таклиф этиляпти.

Ҳозирга қадар 60 нафар ташаббускор тадбиркорлар Бош вазирнинг Сўх туман қабулхонасига мурожаат қилди. Мурожаатлар туман ҳокимлигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилиб, халқ депутатлари туман Кенгаши розилиги билан 15 нафар тадбиркорга 1 гектардан зиёд ер майдони ажратилди. Қолган мурожаатлар тегишли тартибда ўрганиляпти.

Ўтган қисқа вақт давомида туманда 31 та бўш турган бинолар аниқланиб, 10 та бино фойдаланишга топширилди. Бевосита қабулхона мутахассислари саъй-ҳаракати билан 2 та бўш турган бино-иншоотлар ўрнида тантаналар мажмуаси ҳамда савдо маркази қурилишига киришилди.

Сўх тумани ДСИ билан ҳамкорликда жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 43 та фаолият кўрсатмаётган корхоналар аниқланди ҳамда 11 тасининг фаолияти қайта тикланди. Ҳозирда қолган корхоналар фаолиятини қайта тиклаш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

**М. ЖУМАЕВ,**
**Тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Сўх тумани қабулхонаси мудири.**

# ЙЎЛЛАРНИ ҚУРИШ ВА ТАЪМИРЛАШ УЧУН 104,1 МИЛЛИАРД СЎМ МАБЛАҒ САРФЛАНАДИ

**Сўх туманига борган киши бугун улкан бунёдкорлик ишларининг гувоҳи бўлади. Айниқса, қисқа вақт ичида маҳалла ва қишлоқларнинг кўркига кўрк қўшилиб, муаммолар бартараф этиляпти. Бунда ички йўлларни таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Сариканда, Сарибозорча, Ҳушёр, Янгиариқ, Мулгон, Чашма, Гулистон, Навобод, Девайрон, Ленбур, Соҳибкор, Ғазнов маҳаллаларида бу каби ишлар жадаллик билан олиб борилди.

Айниқса, тупроқли йўлларга шағал тўкиш, шағалли кўчаларни асфальтлаш ва цементобетон қоплаш ишлари давом этаётир.

Девайрон-Тул йўналишидаги йўллар таъмирга муҳтож эди. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан мазкур йўлни таъмирлаш ишларини олиб борилаётгани бу ҳудуддаги аҳолини беҳад қувонтирди. Асфальт қилиниши лозим бўлган масофа салкам 12 километрни ташкил этади.

– Бундай эзгу ташаббус ва эътибордан маҳалламиз аҳли жуда миннатдор. Чунки носоз аҳволга тушиб қолган ички йўллар таъмирланди, эндиликда ҳудудимизда пиёдалар учун йўлак ташкил этиш ишлари бошлаб юборилди, – дейди «Ҳазрати Али» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Субҳонали Нишонов.

2020-2021 йилларда Сўх туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора тадбирлари Дастурига асосан туманда 160 километр шағал қопламали йўлларни цементобетон қопламага ўтказиш ва асфальт ётқизиш, 106 километр тупроқ йўлларга шағал тўшаш ва 40 километр пиёдалар йўлакларини қуриш белгиланган. Шундан жорий йилда 96 километр йўл ва 20 километр пиёдалар йўлаклари бунёд этиляпти. Мазкур мақсадларга икки йилда 104,1 миллиард сўм маблағ сарфланади.

**М.СУЛАЙМОНОВ.**

## ЭЪЛОНЛАР

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**02.00.09 — Товар кимёси. 02.00.10 — Биоорганик кимё ихтисосликлари бўйича таянч докторантурага (PhD) 2021 йил учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Таянч докторантурага (PhD) кирувчилар танлов учун қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар:

**1. Мутахассислик (кимё).**

**2. Чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрнатилган хорижий тил бўйича).**

Таянч докторантурага (PhD) ўқишга талабгорлар олий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

-ариза;

-қисқача биографик маълумот;

-меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

-олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхалари;

-нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг илмий-тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш бўлимига (тел: 542-03-73) мурожаат этишлари мумкин. **Манзил:** Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уй.

**E-mail:** quqondpi@umail.uz, kspi_info@edu.uz.

Ҳужжатлар 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

**ИНСТИТУТ МАЪМУРИЯТИ.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**10.00.01 — Ўзбек тили ихтисослиги бўйича таянч докторантурага (PhD) 2021 йил учун**

**ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Таянч докторантурага (PhD) кирувчилар танлов учун қуйидаги фанлардан кириш имтиҳонларини топширадилар:

**1. Мутахассислик (ўзбек тили).**

**2. Чет тили (таълимнинг олдинги даражаларида ўрнатилган хорижий тил бўйича).**

Таянч докторантурага (PhD) ўқишга талабгорлар олий таълим муассасасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

-ариза;

-қисқача биографик маълумот;

-меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);

-олий таълим муассасаси магистратураси дипломи, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхалари;

-нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат стипендиялари соҳиблари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Қўшимча маълумот олиш учун Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтининг илмий бўлимига (тел: 90 293-30-21) мурожаат этишлари мумкин. Манзил: Қўқон шаҳри, Турон кўчаси, 23-уй.

E-mail: quqondpi@umail.uz, kspi_info@edu.uz.

Ҳужжатлар 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

**ИНСТИТУТ МАЪМУРИЯТИ.**

**Фермер бўлмоқчимисиз...**

Қува тумани ҳокимининг 2020 йил 18 январь куни 30-сонли қарори билан туман захирасида турган "Навоий ММТП" ҳудудидаги 201к контурдаги жами 3,74 га, шундан 3,4 га боғ, туман ҳокимининг 2017 йил 23 март куни 296-сонли қарори билан туман захирасида турган "Шредер БУВИЧ" даги 3-контурдаги 3,8 га, "М.Мансуров ММТП"даги 125к контурдаги жами 2,50 га, шундан жами экин ери, "Наврўз ММТП"даги 378к контурдаги 1,0 га майдонини танлов ўтказиш масалалари билан шуғулланувчи доимий ишловчи туман комиссияси томонидан фуқароларга янги фермер хўжалиги ташкил қилиш ёки мавжуд фермер хўжаликлари ҳисобига бириктириб олиш бўйича тендер танлови ўтказилиши

**МАЪЛУМ ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти ИИБ томонидан 2018 йил 8 март куни Турсунбаев Тулкун Турдалиевич номига берилган FV 7108 рақамли пенсия гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар божхона коллежини 2001 йилда тамомлаган Мирзаев Авазбек Хоринбоевич номига берилган 448567 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар 20-ўрта таълим мактабини 1997-1998-ўқув йилида тамомлаган Орипова Санатхон Тохировна номига берилган O'R-D 275282 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олтиариқ тумани, "Зилха" МФЙ, Тегирмонбоши кўчасида жойлашган "VALLEY FRUKTLAND" фермер хўжалиги номига берилган думалоқ муҳр ҳамда тўртбурчак тамға йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 100-уйда жойлашган "МУЗАФФАР АЗИЗ ИҚБОЛИ" фермер хўжалиги номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежини 2018 йилда тамомлаган Камолов Аброржон Абдумалик ўғли номига берилган К 5192129 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фарғона вилояти ҳокимлиги жамоаси вилоят ҳокими Шуҳрат Мадаминович Ғаниевга акаси **Авазбек ҒАНИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзимизнинг маҳсулот

# Гугурт қадоқлаш йўлга қўйилди



**Фурқат туманида иш бошлаган "Атлст инвест Фурқат" масъулияти чекланган жамиятида гугурт йиғиш, қадоқлаш йўлга қўйилди. Қирқ нафардан ортиқ ёшлар меҳнат қилаётган корхонада ҳар ойда 80 минг қути гугурт ишлаб чиқарилмоқда.**

Янги лойиҳа шу кунга қадар Россия ва Белоруссиядан импорт қилинаётган маҳсулотни маҳаллий шароитда ишлаб чиқариш имкониятини беради. Бу ерда умумий қиймати 1 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция жалб этилмоқда.

Маҳсулотнинг асосий қисми яқин қўшни мамлакатларга экспорт қилинади.

— Ҳамдўстлик мамлакатларда гугурт ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар кўп. Бу ташқи бозорда ўзига хос рақобатни юзага келтирмоқда. Шу боис таннархини арзонлатиш, сифатини яхшилаш орқали рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳозирлик кўряпмиз. Шу мақсадда тумандаги фермер хўжаликлари билан гугуртбоп терак навлари етиштириш борасида ҳамкорлик қиламиз, — дейди корхона техник директори Абдумалик Йўлдошев.

**Расулжон КАМОЛОВ.**
**Шерзод ҚОРАБОЕВ олган суратлар.**

Жараён

# Бувижонлар мактаби

**Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вилоят бошқармаси ва унинг шаҳар, туман бўлимлари қошида "Бувижонлар мактаби" жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини бошлади.**



Фарғона шаҳридаги "Нуронийлар маскани"да кенгаш аъзолари учун семинар-тренинг ташкил этилди.

— Йигит ва қизларни оилавий ҳаётга руҳий-маънавий жиҳатдан тайёрлаш, оилавий ажримларнинг олдини олиш бизнинг биринчи ўриндаги вазифамиздир, — дейди "Бувижонлар мактаби" вилоят жамоатчилик кенгаши раиси Ўғилой Усмонова. — Нега энди бугунги кунга келиб ажримлар сони кўпайиб кетмоқда? Бунинг олдини олиш учун биз нуроний бувижонлар астойдил шуғулланишимиз зарур. Оилавий келишмовчиликка барҳам бериш даркор. Бунинг учун, албатта, оилада қайнонанинг ўрни алоҳида. Биз қайнона ва қайноталар билан тушунтириш ишларини олиб боришимиз керак. Маҳалла ҳудудидаги муаммоларни аниқлаш, оилавий можароларни бартараф этишга ҳаракат қиламиз.

Шарқ донишмандлари "Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!" дея таъкидлашган. Ҳар бир юртнинг тараққиёти, аввало, ана шу ҳудудда яшовчи аҳолининг билими, тажрибаси, тарбияси ва маънавий юксаклигига боғлиқ. Ёшлар тарбиясида кексаларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан кенг фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзининг ибратли ҳаёти билан бошқаларга ўрнак бўлиб, ёшларга тарбиявий аҳамиятга эга фикрларини сингдира оладиган нуроний онахонларни ўз атрофига бирлаштирган "Бувижонлар мактаби" жамоатчилик кенгашлари фаолияти қандай самара беради? Буни вақт кўрсатади.

**Шоҳсанам ЭШМАТОВА.**

Саховатпешалик бор бўлсин!

# НАФЪИНГ АГАР ХАЛҚҚА БЕШАКДУРУР...

## Ёхуд раҳбар билан оддий фуқаро ўртасида кўприк борми?

Тарихий манбаларда Хоразм шоҳи Ферузнинг тахти супасига қуйидаги байт битилганлиги ҳақида маълумот учрайди:
**Фақирлар кўз ёшин дарё каби оқизма, эй шоҳим,**
**Сени ҳам зўр этиб қўймас, аларни хўр этиб даврон.**

Ҳар қандай даврда ҳам ҳукмдорлар раият аҳлининг аҳволидан бохабар бўлиб турганлар. Саройнинг оддий мулозими қиёфасида халқнинг дарду ғамини билиш учун кечалари шаҳару қишлоқларни айланиб юрган ҳоқону хонлар номи тарих саҳифаларига битилди. Соҳибқирон Амир Темур қўшини билан Буюк Ипак йўли кўчаларидан ўтаркан, отларнинг туёғига тилла тақани омонат қилиб қоқтирган, тақалар йўлда тушиб қолса, одамлар уларни топиб олиб ким томонидан кўрсатилган саховат эканини билмай қолишларини истаган экан.

Бинобарин, аждодларимиз хайр-саховат, беминнат кўмак борасида бошқа халқларга ўрнак бўлиб келганлар.

Бироқ ўтган даврларда Президентимиз таъбири билан айтганда, "Оёғи ердан узилиб қолган раҳбарлар" халқнинг ночор қатламидан йироқлашиб кетган эдилар.

Севимли шоира Турсуной Содиқова чиқишларидан бирида бугунги кунда ҳам долзарб бўлган масалани кўтарган эди. Опа Фарғона водийсининг чекка бир туманига машҳур санъаткор келган тўйга таклиф этилибди.

Тўйбошининг уйини топиб боргунча ўнқир-чўнқир йўллардан юргунча, машина ғилдираги лойларга ботиб кетибди. Шунда Турсуной опа (илоҳим, жойлари жаннатда бўлсин) тўйбошига ўша эстрада юлдузига берадиган пулингизни йўлни текислашга сарфласангиз бўлмасмиди, деган экан.

Дарҳақиқат, қўшниси ночор яшаётган бўлса ҳам, маҳалласи ичимлик сувисиз қолса ҳам миллионлар сарфлаб тўй-томошасини чунон дабдаба билан ўтказадиган амалдорлар бор эдики, улар элнинг ҳақиқий аҳволини кўриб туриб кўрмасликка олардилаар.

Тараққиётнинг бугунги эврилишларида эса юртимизда халқни рози қилиб яшаш ғояси ўз ифодасини топаётир. Энди ҳокимлар, масъул лавозимдаги инсонлар иш жойларини билвосита маҳалла фуқаролар йиғинларига, гузарларга, маънавият ва таълим масканларига кўчирдилар. Элнинг дарду ташвишлари, қувончларидан огоҳ бўлиб яшаш тамойили асосида иш юрита бошладилар. Шу билан бирга, ҳар бир ташаббускор раҳбар, тадбиркор, фермер, ким бўлишидан қатъи назар, қўлидан иш келадиган уддабурон инсон ўзи истиқомат қилаётган маҳалла аҳлининг кундалик ҳаётидан хабардор бўлиб яшашини давр талаби эканлиги уқтирилди.

Юрт бошига келган синовли дамларданоқ чинакам элпарвар, олижаноб инсонлар майдонга чиқди. Не саодатки, бу эзгу ҳаракатнинг бардавомлигини бугун ҳам одамлар миннатдорлик изҳорларида намоён этмоқдалар.

— То умримнинг охиригача Фурқат тумани маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Зарифахон Алихўжаева ҳамда маҳаллам аҳлининг жонкуяр инсонлари яхшиликларини унутмайман, — дейди «Зиё Нурсух» МФЙда истиқомат қилувчи Соҳибахон Қодирова. Шу кунларда мен учун «Шўрсув» МФЙ дан 4 сотих жой ажратилиб, у ерга уй қуриб берияпти. Ниҳоят мен ҳам уйли-ватанли бўламан. Бундан буён ҳалол меҳнатим билан шу олижаноб элга хизмат қиламан.

Бундай эзгу тилакларнинг чеки йўқ. Маҳалла саховатпешаларининг ҳар бир қилаётган ишлари таҳсинга сазовор. Фермер Барҳаёт Тоштемиров ўзи туғилиб вояга етган Калдушон қишлоғини жонини бергудек яхши кўради. Карантин бошланган кунларданоқ унинг исми қўни-қўшниларнинг дуоларида тилга олинадиган бўлди. 6 нафар маҳалладошига фермер хўжалиги экин майдонидан 50 сотихдан ер берди. 5 нафар ишсиз оила соҳибини иш билан таъминлади. 500 нафар эҳтиёжманд оилаларга озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак тарқатди. Шу кунларда маҳалла фуқаролар йиғинининг замонавий биносини ўз маблағи ҳисобига қурдиряпти. Йиғин биносида кутубхона ҳам очилади. Кутубхонага янги китобларни ҳам фермернинг ўзи сотиб олишни ният қилибди.

Шоймбек қишлоғида Дилоромхон Исомиддинованинг хайрли ишларидан кўнгил ёришади. Уй бекалари, ишсиз аёлларни тадбиркорлик, ҳунармандчилик ишларига йўналтиришда маънавий-моддий кўмагини аямайди.

Шабада қишлоғилик фермер Ортиғали Ғаниев маҳалладоши қам таъминланган оила соҳибаси Ёрқиной Шералиевага бир бош қорамол ҳадя қилибди. Фермернинг акаси тадбиркор Нурали Ғаниев «Ардахшон» МФЙ да 5 нафар фуқаронинг уйини таъмирлатиб берди. Бу биз билган, эшитган хабарлар, маълумотлар. Ҳали ҳеч кимга айтилмаган яхшилик муждалари бор. Бу муждаларни фақатгина шикаста кўнгилу саховатли қалбгина билади.

Йўллар, кўчаларни ободонлаштиришда фурқатлик саховатпешалар алоҳида ибрат кўрсатишяпти. Фурқат тумани «Ингичка», «Навбаҳор» МФЙлар жойлашган 10 километрлик йўлнинг икки четига ўрнатилган кўча чироқлари ҳам халқ хизматини фарз деб биладиган инсонлар саъй-ҳаракатлари билан ўрнатилди.

Бу қайдлар маҳалла ҳаётини, одамларнинг турмуш тарзи, аёлларнинг аҳвол руҳиятини беш қўлдай биладиган, умри эл қайғуси билан ўтаётган Зарифахон Алихўжаеванинг меҳнат фаолиятидан бир лавҳалар.

Маҳаллаларда кўнглига тугиб қўйган ниятини амалга ошириш учун иккиланиб, каттами-кичикми эҳсонини кимга беришни билмай юрган инсонлар бор. Уларга Зарифа опага ўхшаганларнинг маслаҳати жуда керак.

Гоҳида моддий имконсиз хонадон эгалари меҳнат жамоасида обрў-эътибор топган, раҳбарлик лавозимларида ишлаётган маҳалладошлари, қўшнилари ҳузурига киришдан, арз-дод қилишдан хижолат тортадилар. Бундай пайтларда одамларнинг дардларини ўз дарди деб биладиган жонсарак фидойилар ўзаро кўприк вазифасини ўташлари даркор.

Кимнинг уйида бемор бор, кимнинг уйида кунора жанжал, ким ишсизлигидан ор қилиб юрибди, ким боласини боғчага жойлаштира олмаяпти, қайси оила ажрим ёқасида... Қўлингиздан келганини танланг ва ёрдамга шошилинг.

Алишер Навоийнинг:

**Нафъинг агар халққа**
**бешакдурур,**
**Билки, бу нафъ, ўзунгга**
**кўпракдурур,**

дейилган сатрлар мағзини чақиб кўринг. Дунё ва ҳаёт ҳикматини ўзида қамраган мисралар дилдаги мақсадларингизнинг амалдаги ифодаси бўлсин.

**Маъмура АБДУРАҲИМОВА.**

Ўқидингизми?

## "Намуна"ликлар ҳар соҳада намуна

Қўштепа туманининг "Намуна" маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи хотин-қизларнинг бири чевару, бири тадбиркор, яна бири миришкор томорқачи бўлса, бошқаси миллий ҳунармандчилик анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Вояга етаётган қизлардан тортиб, пенсия ёшидаги аёлларнинг бирор дақиқа вақти бекор ўтмаслигини, доимий фойдали меҳнат билан бандликлари "Истиқбол йўли" газетаси "Намуна"нинг миришкору тадбиркорлари" сарлавҳали мақолада ёритилган.

## Инспектор жасорат кўрсатди

"Истиқбол йўли" газетасида чоп этилган "Акбарали ва ҳамкасблари жасорати" сарлавҳали мақолада туман ИИБ инспекторлари ва миллий гвардия қўриқлаш хизмати ходимининг хизмат вазифасини бажариш жараёнидаги ибрати ҳақида сўз борган.

Ўз жонига қасд қилган аёлнинг Катта Фарғона каналида оқиб кетаётганини кўрган тинчлик-осойишталигимиз посбонлари унинг ҳаётини сақлаб қолишга киришдилар. Катта лейтенант Акбарали Турсунов жонини гаровга қўйиб, тез оқаётган каналга ўзини отди. Ҳамкасблари унга ёрдам беришди. Фожианинг олди олинди.

## Бир қонунбузарлик кетидан иккинчиси

Қувасойлик М.С.нинг қонунчилигимизга зид хатти-ҳаракати ошкор бўлгач, уни "ёпиш" учун жиноят кўчасини танлади.

Ваколати бўлмаса-да, М.С. оилали ҳамшаҳрининг илтимосини ерда қолдирмай, уни бошқа аёл билан шаръий никоҳлаб қўйди. Орадан бир ой ўтиб, "янги оила"да жанжал келиб чиқди ва можаро жамоатчилик посбонларигача бориб етди.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик айбдорларидан бири бўлган чала мулла тўпланган ҳужжатларни судга чиқармаслик эвазига ИИБ профилактика нозирига 600 минг сўм пора таклиф қилди. "Ҳуқуқ дунёси" журналининг ёзишича, М.С.нинг хомхаёли пучга чиқди.

## Янги рисола

Журналист Алишер Бек (Тошқулов) ва ўлкашунос тарихчи Аҳмаджон Исмоилов қаламига мансуб "Уста Маҳмуджон домла" номли рисола босмадан чиқди.

"Марказий Фарғона" газетаси ахборотига кўра, мазкур китоб Тошҳовуз қишлоғида яшаб ўтган ижодкор уламо Маҳмуджон домла Умаржон махсум ўғлининг мураккаб ҳаёти ҳақида битилган.

## Қилмиш-қидирмиш

Тадбиркор Н.Ҳ. улгуржи савдо билан шуғулланиш мақсадида бундан тўрт йил аввал масъулияти чекланган жамият ташкил этди. Унинг импорт асосидаги фаолияти силлиқ кетаётганди. Аммо...

У реализация қилинган маҳсулотлардан тушган маблағларни солиқ органларига қасддан камайтириб кўрсатгани ҳолда, катта миқдордаги ягона солиқ тўловларини тўламай келди. Шунингдек, банкдан ташқари нақд пул муомаласи, молиявий ҳужжатларни йўқ қилиш каби ноқонуний хатти-ҳаракатлари билан қонунчилигимиз талабларини бузди. Қилмишнинг қидирмишлиги борлигини ёзади "Тошлоқ тонги" газетаси.

**Рустам ОРИПОВ.**

Газетага арзим бор

# "Ёшлар уйи"дагилар нимадан норози?

**Сунбула тонгининг ҳавоси қушлар хонишига қўшилиб қалбингни уйғотади. Ёруғ кайфиятда деразани очаману, дарахт шохларининг шаббода ортидан эргашганини эмас, пешонаси бир-бирига тегай деб турган кўп қаватли уйларни кўраман.**



Бугунги бунёдкорлик ишлари, баланд, кўркам уйларнинг салобати инсоннинг ақлини шоширади. Бу янгиланишлар замирида юртдошларимизнинг замонавий шароитдаги тўкис ҳаёти инобатга олинган, албатта. Бироқ, ушбу уйларнинг жуда яқин қурилиши, биринчи қаватда ташкил этилаётган овқатланиш жойларидан чиққан ёғ, тутун иси фуқароларнинг ўринли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

— Биз Фарғона шаҳар, Кувасой кўчасидаги Ёшлар иттифоқи томонидан берилган "Ёшлар уйи"да истиқомат қиламиз, — дея куйиниб сўз бошлади 13-хонадонда яшовчи Абдумалик Саминов. — Кўриб турганингиздек, бу турар жой тўртта бир-бирига қараган кўп қаватли уйларнинг ўртасида қад ростлаган. Уйлар топширилган вақтда болалар учун ўйин майдони, автотураргоҳ бор эди. 2019 йили "Обод катта қурилиш" фирмаси томонидан болалар ўйин майдони ва автотураргоҳ ўрнига кўп қаватли уй қурилиши бошланди. Қурилиш ишларига ҳудуддаги 82-а, 78-, 78-б, 35-уйларда яшовчи тўрт юздан ортиқ фуқаролар эътироз билдириб, шаҳар ҳокимлиги, архитектура ва қурилиш бошқармаси, Халқ қабулхонаси каби бир қатор ташкилотларга мурожаат қилдик. Улардан келган жавоб хатларида қурилиш ишлари қонуний асосга эга эканлиги, 82-а уй томонга дераза ўрнатилмаслиги таъкидланган. Аммо қурувчи бу эътирозга амал қилмай, уй қурилишини давом эттиряпти. Лекин мутасаддилар жим. Лойиҳада кўрсатилмаган деразаларни кўриб, фиғонимиз фалакда. Ахир ким уйига бегона назар тушишини истайди.

— Фарзандларимизга қараб дилим ғашланади, — дея суҳбатга қўшилди 5-хонадонда яшовчи Нуриддин Обидов. — Кўп қаватли уйда болаларни олиб ўтиришнинг ўзи бўлмайди. Айни вақтдаги карантин шароити, мактабгача таълим муассасалари ва мактабларнинг онлайн тизимда ишлаётганда болаларни қаерга олиб боришни билмай бошинг қотади. Ёши улуғларимиз ҳассасига суяниб, йўлакдан нарига ўтолмайди. Қуриш жараёнидаги чанг-тўзон астма, аллергия каби касали борларнинг тинкасини қуритяпти. Бу уй битгач, соя, захдан ўзимизни қаерга қўяр эканмиз, билмадим.

Атрофи ўралмаган қурилиш майдонида ғишт бўлакларидан уйча ясаб ўтирган бир тўп болаларга қараб, ўйланиб қолдим. Тепаларидаги "осмонни кўтариб турган автокран" кўрган кўнгилга ваҳима солади. Сал наридан лойиҳада "беркитилган" деразалардан мўралаб, беркинмачоқ ўйнаётган болалар чопиб чиқишди. Кўзига қум тўлган қизалоқ йиғлаб, онасининг этагига ёпишди.

— Автомашиналар учун жой йўқлигидан одамлар эшигимизни тагигача машина қўйишади. Бу турнақатор уловларни кўриб, бувимнинг ёшлигимизда "Учар гилам" эртаги ёдимга тушди. Айниқса, болаларга жуда увол бўлди. Энди қанот чиқариб, учиб юрамиз чоғи. Оёқ босгани жой, нафас олгани ҳаво йўқдек, қизим, — дея дардини тўкди 3-хонадон эгаси Азиза Бобоева.

Ҳамюртларимизда норозилик кайфиятини уйғотган ушбу ҳолат бўйича шаҳар қурилиш бошқармаси бош режалар бўйича мутахассиси Шохбоз Ҳайитбоевнинг фикрлари диққатимизни тортди.

— Шаҳарсозлик норма қоидаларига кўра кўп қаватли уйлар орасидаги масофалар, ёритилганлик даражаси, бегона кўздан узоқлиги ҳисоб-китоблари асосида, шунингдек, ёнғин хафсизлиги талабларига мувофиқ бўлиши керак, албатта. Қолаверса кўп қаватли уйларнинг узун томонлари ўртасидаги масофа камида 15 метр, деразалари ораси эса камида 10 метр бўлиши белгиланган. "Обод катта қурилиш" фирмаси томонидан қурилиш лойиҳаси тақдим этилганда, дераза-ромлар кўзда тутилмаган.

Шундай экан, ҳудудда яшаётган аҳолининг эътирозлари ўринли. Хонадон эгалари ва рўпарада қурилаётган уйнинг ромлари орасидаги масофа нари борса беш-олти метрни ташкил қилади. Бу ҳолат ҳар икки уй соҳибларини тўрт фаслда ҳам деразаларни ёпиб, димиқиб яшашга мажбур қилади.

Ҳадиси шарифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнисиз қараса, бас, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўламайдилар",—деганлар. (Имом Абу Довуд ривояти).

Бунёд этиш эзгулик белгиси. Бу яхши амаллар ортидан дуога очилган қўллару, мамнун чеҳраларни кўришга нима етсин?!

**Дилшода ЭРГАШЕВА.**


МУАССИС: ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайти www.fargona.uz

Бош муҳаррир: Муҳаммаджон ОБИДОВ

Газетадан материал кўчириб босилганда «Фарғона ҳақиқати»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Офсет усулида А-2 форматда (4 бет) чоп этилди. 2007 йил 9 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Фарғона вилоят бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета таҳририятига юборилган қўлёзма ва суратлар қайтарилмайди.

*Газета «Полиграф-Пресс» МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида чоп этилди. Манзили: Марғилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236 «Б» уй.*

*Босишга топшириш вақти: 19.00. Топширилди: 18.50.*

Буюртма: 602
Индекс: 7521
Адади: 3 826

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳри, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73-226-02-70.
Бош муҳаррир ўринбосари: (факс) 73-226-37-80.
Реклама ва эълонлар: 73-226-71-24.

Саҳифаловчи Алишер Розиқов.

ISSN: 2010-8370

*Газета чоршанба ва шанба кунлари чиқади.* ■ Баҳоси келишилган нархда. ■ Навбатчи муҳаррир Дилнавоз Қўлдошева. ■ *Газета сифати учун босмахона масъул.*